

## ҲАНАФИЙ МАЗҲАБИГА ДОИР АСАРЛАР ВА ДАРАЖАЛАРИ

Ибрагимова Сурайё

Имом Бухорий номли Тошкент ислом институти ва Ҳадичаи Кубро аёл  
қизлар ислом таълим муассасаси катта ўқитувчиси

### Аннотация

Ушбу мақолада ҳанафий мазҳабига доир асарлар ва даражалар, Имом Мұхаммад ибн Ҳасан аш Шайбонийнинг ҳанафий мазҳабидаги ўрни хақида сўз юритилган.

**Калит сўзлар:** “Зоҳирур ривоя”, “Усул”, “Наводир”, фикҳ, ҳадис, ҳанафий мазҳаби, фикҳий мазҳаб, “Асл” асари, “Мабсут” асари, Абу Ҳанифа.

**Абстракт.** В данной статье рассматриваются труды и степени ханафитской школы, роль имама Мухаммада ибн Ҳасана аль-Шайбани в ханафитской школе.

**Ключевые слова:** «Захирур Ривая», «Усул», «Навадир», правоведение, ҳадисы, ханафитская школа, «Асл», «Мабсут», Абу Ҳанифа.

### Abstract

This article discusses the works and degrees of the Hanafi school, Imam Muhammad ibn Hasan al-Shaybani's place in the Hanafi school.

**Key words:** "Zahirur Rivaya", "Usul", "Nawadir", hadith, Hanafi madhab, "Asl", "Mabsut", Abu Hanifa.

Ироқда пайдо бўлиб, шарқ ўлкаларида кенг ёйилган ҳанафий мазҳабининг яхлит мазҳаб бўлиб шаклланиши, ундаги тарқоқ фатволарни бир ерга тўплаб, сараланиши ва ҳозирги кунимизгача бус-бутун ҳолда етиб келишида имом Мұхаммад раҳимаҳуллоҳнинг катта хизматлари бор. Чунки у зотнинг қолдирган асарлари ҳанафий мазҳабидаги барча китобларнинг асоси ҳисобланади.

Ҳанафий мазҳабининг китоблари қуидаги уч қисмдан иборат:

# E- Global Congress

Hosted online from Dubai, U. A. E., E - Conference.

Date: 30<sup>th</sup> October 2023

Website: <https://eglobalcongress.com/index.php/egc>

ISSN (E): 2836-3612

## Биринчи даражада

Бу даражадаги китобларни “Усул” деб аталади.

Мазкур даражадаги китобларни “Зоҳирур ривоя” деб ҳам аталади. Улар имом Абу Ҳанифа, Абу Юсуф ва Муҳаммаднинг қавлларини ўз ичига олган бўлиб, имом Муҳаммад томонидан таълиф қилинган.<sup>1</sup> Улар қуйидаги китоблар:

1. “Китобул асл”. Бу китобнинг иккинчи номи “Мабсут”.
2. “Китобуз-зиёдот”.
3. “Китобул Жомеъус-Сағир”.
4. “Китобул Жомеъул Кабир”.
5. “Китобус-Сиярис-Сағир”.
6. “Китобус-Сиярил Кабир”.

## Иккинчи даражада

Бу даражадаги китобларни “Наводир” деб аталади.

Улар мазҳабнинг катта имомларидан ривоят қилинган бўлиб, мазкур олти китобга кирмай қолган масалалардир.

Наводир китобларга имом Муҳаммаднинг ўша машҳур олти китобидан бошқа “Касаниёт”, “Хоруниёт”, “Журжониёт”, “Руқайёт” китоблари ва Ҳасан ибн Зиёднинг китобларига ўхшаш китоблар киради.

Бу даражадаги китоблар аввалги даражадаги китоблардан паст хисобланади. Агар бир масала усулда ва наводирда келган бўлса, усулдагиси олинади.

## Учинчи даражада

Фатволар ва воқеъалар китоблари.

Бунда кейин келган мужтаҳидлар мазҳабнинг аввалги мужтаҳидларидан ривоят келмаган масалаларда ўзларидан савол сўралганда берган жавоблари йиғилган бўлади. «Кейин келган мужтаҳидлар»дан мурод Абу Юсуф ва Муҳаммад ҳамда улардан сўнг келганларнинг асҳоблариdir. Улар кўпчилик бўлиб, хабарлари табақот китобларида келган.

Мазкур уч қисмнинг қўшилишидан Ҳанафий мазҳаби ташкил бўлади. Ҳанафий махҳабининг асосини ташкил қилган асарларнинг кўп қисми

<sup>1</sup> Ҳамидулла Аминов, Соатмурод Примов, Ҳанафий фикҳи тарихи, манбалари ва истилоҳлари. Тошкент. Мовароуннаҳр. 2017.

## E- Global Congress

Hosted online from Dubai, U. A. E., E - Conference.

Date: 30<sup>th</sup> October 2023

Website: <https://eglobalcongress.com/index.php/egc>

ISSN (E): 2836-3612

---

Имом Мухаммадга оиддир.<sup>2</sup>

Куйида Имом Мухаммаднинг асарларини алоҳида келтирамиз:

1. Китобул асл (иккинчи номи Мабсут)
2. Жамиус сағир
3. Жамиъул кабир
4. Сиярус сағир
5. Сиярул кабир
6. Зиёдот
7. Зиёдотул зиёдот
8. Осор
9. Муватто (Имом Моликдан ривоят қилган нусхалари)
10. Ҳужжату ўала аҳли Мадина
11. Китабул касб
12. Китабул хиял
13. Амолий
14. Наводир

Абдулкарим Зайдон Шайбоний: “Абу Ҳанифа фикҳ йўналишида асар битмади, унинг сўзлари бизгача Абу Юсуф ва Мухаммад ибн Ҳасанлар (раҳимахумаллоҳ) орқали етиб келди”, деб ёзади.

Имом Мухаммаднинг барча китоблари бизгача етиб келган. Аллома Дасуқийнинг айтишича, у зот фикҳни илмий услубда китоб шаклига келтирган биринчи олим эдилар.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Ибн Саъд, Табақотул кубро.
2. Надвий, Ал-имом Мухаммад ибн Ҳасан аш-Шайбоний.
3. Самъоний, Ал-ансоб.
4. Заҳабий, Маноқибул имом Аби Ҳанифа ва соҳибайҳ.
5. Заҳабий, Сияру аъломин нубало.
6. Хатиб Бағдодий, Тариху Бағдод.

---

<sup>2</sup> Ибн Обидин “Мажмау росаили Ибн Обидин” Аламул кутуб, Байрут. 2000